

Муҳаббатнинг турлари

10:15 / 27.03.2017 3353

1. Ибодат маъносидаги муҳаббат.

Бу турдаги муҳаббатда банданинг қалбида Маҳбубни улуғлаш, ўзини эса, хор ва заиф деб билиш ва бунинг натижасида Маҳбубнинг буйруқларига бўйинсуниб, қайтарганларидан қайтиш кўзда тутилади. Бу муҳаббат иймон ва тавҳиднинг асли бўлиб, ундан кўплаб сон-саноксиз фазилатлар келиб чиқади. Кимки мазкур турдаги муҳаббатни Аллоҳнинг ўзига хосласа, мустаҳкам тавҳид соҳибига айланади. Агар ушбу муҳаббат Аллоҳдан бошқага қаратилса, бу ширкий муҳаббат ҳисобланади. Бу худди мушрикларнинг ўз олиҳалари (бут, санам, дарахт, тош, ҳайвон, фаришта, машҳур шахслар, подшоҳлар, ва ҳоказо)ни яхши кўришига ўхшайди. Албатта, ҳақиқий мўминларнинг қалблари Аллоҳнинг муҳаббати билан тўлиб-тошади.

2. Аллоҳ яхши кўрган нарсаларга муҳаббат.

Масалан, масжидлар, Рамазон ойи, Пайғабарлар, авлиёлар, тақводор мўминлар, солиҳ амаллар, зикру саловотлар ва ҳоказо. Банда Аллоҳни ҳақиқий маънода яхши кўрса, У зот яхши кўрадиган нарсаларни ҳам яхши кўриб қолади.

3. Табиий муҳаббат.

Бу турдаги муҳаббат қуйидаги нарсаларни ўз ичига олади:

А) Меҳрибонлик ва раҳмат муҳаббати. Масалан, отанинг ўз фарзандига бўлган муҳаббати, касал ва заиф инсонларни раҳм-шафқат юзасидан яхши кўриш.

Б) Ибодат саналмаган улуғлаш ва эҳтиром маъносидаги муҳаббат. Масалан, фарзанднинг ота-онасига бўлган муҳаббати, шогирднинг устозига, шайхига бўлган эҳтиром маъносидаги муҳаббати.

В) Инсоннинг табиий эҳтиёжидан келиб чиқадиган муҳаббат. Масалан, таом, ичимлик, кийим-кечак, ёру дўстлар ҳамда аёлга бўлган муҳаббат.

Ушбу табиий муҳаббат мубоҳ саналади. Агар бу муҳаббат Аллоҳнинг муҳаббатига ва тоатига эришишга ёрдам берса, унда у мубоҳликдан чиқиб,

савобга етаклайдиган, тоат бобидаги муҳаббатга айланади. Борди-ю, табиий муҳаббат Аллоҳнинг муҳаббатидан тўсса ва Аллоҳ яхши кўрмайдиган нарсаларни қилишга васила бўлса, у ҳам мубоҳликдан чиқиб, гуноҳга етаклайдиган, маъсият бобидаги муҳаббатга айланади. Агар тоатга ҳам, маъсиятга ҳам ёрдам бермаса, у ҳолда мубоҳлик мақомида қолади.

Шайх Муҳаммад ибн Иброҳим Ал-Ҳамднинг

“Муҳаббат, хавф ва ражо ҳақида гаплар”

рисоласидан **Нозимжон Ҳошимжон** таржимаси